2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

41 (643)

2008 йил 8 октябрь

Чоршанба

# Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

саҳифада

2
▶ Аслиддинни аскарликка кузатдилар
▶ Сопутан вулқони "жонланди"...

3
▶ Ноинсоф Иосиф ва лақма онахон
▶ Бахт қуши бошимиздан кетмасин!

4
▶ Қаноат гиламини қалбингга тўша
▶ "Дори ичиб ...дармонсиз қолдим-эй..."

## КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

***7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси томонидан ташкил этилган тадбирда таъкидланганидек, бўлажак сайлов тадоригини кўриш учун шу йил 30 сентябрь куни "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида" Сенат Кенгаши Қарори қабул қилиниб, унда 2008 йил ноябрь-декабрь ойлари бу сайловни ўтказиш муддати деб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси таркиби, шунингдек, тегишли тадбирлар режаси тасдиқланди. Сайлов билан боғлиқ ҳужжатлар амалга оширилиши учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, Сенат Кенгаши комиссияси аъзоларига, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга дахлдор давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларига юборилди.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг Қарори оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди. "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" ҳамда "От сильного государства – к сильному гражданскому обществу" рукнлари очилиб, сайлов тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари қоидаларини тушунтиришга доир материаллар эълон қилиб борилмоқда. Миллий телерадиокомпания туркум кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этишга ҳамда сайловга бағишланган видеороликларни намойиш қилишга киришди.

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенғашларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят, туман, шаҳар комиссиялари ва ишчи гуруҳларини тузиш ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этишга қаратилган ишлар тугалланмоқда.

Шу билан бирга, давра суҳбати иштирокчилари нутқларида қайд этиб ўтилдики, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мазкур Қарорини, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режасини бажариш учун фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳар комиссиялари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш мақсадида тузилган ишчи гуруҳлари фаолияти мувофиқлаштириб борилишини таъминлашга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, "Маҳалла" жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон фахрийларини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси ҳудудий бўлинмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан биргаликда амалга оширишлари керак.

Муҳокама ва фикрлашув асносида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг ўз сайлов округларида "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги ва "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг нормаларини аҳоли ўртасида тушунтиришга, туман ва шаҳарлардаги, қишлоқ, овул ва маҳаллалардаги фуқаролар йиғинларида сайловга тайёргарлик кўришга, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш жадвалларига риоя этишга қаратилган, ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалар вакиллари йиғилишларини ўтказишга кўмаклашиш билан боғлиқ ишларини янада кучайтириш зарурлиги ҳам иштирокчилар томонидан таъкидлаб ўтилди.

Давра суҳбати иштирокчилари мазкур сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш амалдаги қонун ҳужжатларига, очиқ ва ошкоралик демократик принципларига тўла мувофиқ ҳолда бўлишига, бунга сайлов жараёнининг очиқ-ошкоралигини ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилишини таъминлаш, давра суҳбатлари ва семинарлар, сайловчилар билан учрашувлар ташкил этиш ҳамда ўтказиш орқали эришиш жоиз эканлигига алоҳида эътибор қаратдилар.

Пировардида давра суҳбати иштирокчилари тегишли тавсиялар қабул қилдилар.

Тадбирда сенаторлар, Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарлари, "Маҳалла" жамғармаси, Ўзбекистон фахрийларини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, бошқа давлат ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

/ЎзА/

## ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

***Президентимиз Ислом Каримовнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан мамлакатимизга келган Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерс 7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Тошкентдаги П.Боровский номидаги тиббиёт коллежи фаолияти билан танишди.***

Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва таълим соҳасидаги кенг кўламли туб ислоҳотлар халқаро миқёсда эътироф этилиб, мамлакатимизнинг бу борадаги тажрибаси нафақат мутахассислар, балки давлат арбобларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Истиқлол йилларида юртимизда юзлаб янги мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари барпо этилди ва бу жараён изчил давом этмоқда. Аксарият олий ўқув юртлари ҳузурида ихтисослашган академик лицей очилган. Бундай янгиланишларнинг самараси ўлароқ, бугун Ўзбекистонда ёшлар умумий таълим олиш баробарида касб-ҳунар ҳам ўрганмоқдалар.

Дўрмон қароргоҳида 6 октябрь куни бўлиб ўтган олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон билан Латвия ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Валдис Затлерс юртимизда бу борада эришилган ютуқлар билан таништирилди.

Олий мартабали меҳмон мазкур тиббиёт коллежида ўқувчилар ва педагоглар учун яратилган шароит, таълим жараёни билан қизикди. Бу таълим маскани барча зарур замонавий жиҳозлар, ўқув қуроллари билан таъминланган. Валдис Затлерс давлат ва жамиятни ривожлантиришда малакали кадрлар муҳим ўрин тутишини, Ўзбекистонда бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилганини алоҳида таъкидлади ва таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараларига юксак баҳо берди.

Шу куни Латвия Президенти Бухорога ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмон Бухородаги қадимий Арк қалъаси, Сомонийлар мақбараси, Минораи Калон ва Лаби ҳовуз мажмуаларини кўздан кечирди. Валдис Затлерс ақл-заковат, юксак маҳорат ва меъморий даҳолик тимсоли бўлган бу қадимий ёдгорликлар бетакрор санъат намуналари сифатида ўзида катта таассурот қолдирганини таъкидлади.

Шу билан Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерснинг мамлакатимизга давлат ташрифи ниҳоясига етди.

**(ЎзА)**

***Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилаётган эътибор самарасини Жиззах вилояти маҳаллалари мисолида ҳам кўриш мумкин.***

**Жиззах вилояти**

## МАҲАЛЛА ОБОД – ЮРТ ОБОД

Шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича амалга оширилаётган салмоқли ишларда маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Жумладан, вилоятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташаббуси билан ҳар бир киши ҳисобига бир тупдан кўчат ўтказилди. Бу хайрли тадбир натижасида яшил майдонлар янада кенгайиб, экологик барқарорликка сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Жиззах шаҳридаги 4 минг 200 нафар аҳоли истиқомат қиладиган Ҳамзаобод маҳалласи яшилликка бурканган, энг обод масканлардан биридир. Шу йил баҳорда экилган 12 минг 800 туп мевали ва манзарали дарахт, минг тупдан зиёд гул кўчатлари яшнаб, маҳалла ҳуснига ҳусн қўшди.

Маҳаллада турмуш маданиятини ошириш бўйича ибратли ишлар олиб борилаётир. Аҳоли ўртасида тиббий, ҳуқуқий, экологик билимларни кенг тарғиб қилиш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилаётир. Маҳалла оилалари ўртасида «Энг обод хонадон», «Гулзор ҳовли» кўрик-танловлари, ҳудуддаги мактаб ва болалар боғчасида «Қушлар байрами», «Гуллар байрами» ўтказиш анъанага айланган. Ичимлик сувидан тўғри ва тежамкорлик билан фойдаланиш, ариқларнинг табиий ҳолатини сақлашда ҳам маҳаллада ўрганишга арзирли тажриба тўпланган.

Бу йил Ҳамзаобод маҳалласи «Экология ва саломатлик кунлари» кўрик-танловининг республика босқичида ғолиб чиққани ҳам бу ерда қилинаётган ишларнинг салмоғини кўрсатиб турибди.

— Маҳалла ободлиги — юрт ободлиги, кўнгил ободлиги, — дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси Жиззах вилояти бўлими раиси Муқим Ҳасанов. — 2006 йилда ўтказилган маҳалла оқсоқоллари ва маслаҳатчилари сайловидан сўнг қишлоқ ва шаҳарларимиз ҳаётида ижобий ўзгаришлар юз берди. Бу, ўз навбатида, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчиларига ташкилотчи, ташаббускор, фидойи инсонлар сайлангани билан боғлиқдир. Навбатдаги сайлов ўзини ўзи бошқариш органларида амалга оширилган ишларнинг сарҳисоби ва ўзига хос кўриги бўлади.

Жиззах вилояти ҳокимлигида ўтган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2008 йил 30 сентябрда қабул қилинган «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси кўриб чиқилди ва маъқулланди.

**Т.БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Андижон вилояти**

## КИЧИК ДАҲАДА – ЯНГИ БОЗОР

***Андижон шаҳрининг 1-кичик даҳасида янги бозор мажмуаси қуриб фойдаланишга топширилди.***



Элликта савдо растасидан иборат ушбу бозорда сотувчи ва харидорлар учун барча қулайликлар яратилган.

Мазкур объект қурилишини «Вилоят бозорлар уюшмаси»нинг махсус қурилиш ташкилоти жамоаси бунёд этди. Бундай замонавий, кўркам бозорларнинг барпо этилиши аҳолига қулайликлар яратиш баробарида шаҳар кўркига ҳам кўрк қўшади.

**СУРАТЛАРДА:** *янги бозор кўриниши*
**Шуҳрат ОЛИМОВ** *(ЎзА)* **олган суратлар.**

*Азиз муштарий! Севимли нашрингиз «MAHALLA»ни ҳамиша ҳамкор тутинг.*

**«MAHALLA»га обуна бўлсангиз, йил давомида қизиқарли нашр сизнинг ҳамроҳингизга айланади.**

**Mahalla**

**— Яна нима дейсиз?**
**— Бозорларимиз мўл-кўл, дастурхонимиз тўкин бўлганига шукр.**

**Хоразм вилояти**

## ЯНГИ КОРХОНА

### 55 нафар фуқарони иш билан таъминлади

***Урганч туманидаги Ғойбу маҳалласи ҳудудида хусусий тадбиркор Қудрат Ражабов маблағи ҳисобига ғишт ишлаб чиқарувчи минизавод ишга туширилди.***

Қисқа вақт ичида қуриб битказилган ушбу корхонада кунига 25-30 минг дона ғишт ишлаб чиқарилмоқда. Эндиликда мазкур корхонада 55 нафар фуқаро иш билан таъминланган бўлиб, уларга меҳнат қилиш учун етарли шарт-шароит яратилмоқда. Шунингдек, бу ерда туман овқатланиш корхонаси ҳисобидан ишчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча имкониятлар муҳайё этилган.

**Абдулла САФОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Раёсат йиғилишида

## МУҲОКАМАДА – ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ

***Куни кеча Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда жамғарманинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида амалга оширилган ишлар ҳамда галдаги энг муҳим вазифалар муҳокама этилди. Хусусан, «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг жойлардаги ижроси сарҳисоби кун тартибидаги биринчи масала сифатида кўриб чиқилди.***

Таъкидлаш жоизки, ўтган даврда жамғарманинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан ёшлар учун турли мавзудаги маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари уюштирилди. Аҳолининг моддий ва маънавий ёрдамга муҳтож қатлами ва кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасида бажарилган ишлар ҳам диққатга сазовордир.

Жумладан, аҳолини моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида эҳтиёжманд фуқаролар ва оилаларга жамғарманинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан 614 бош қорамол, 52 бош қўй ҳамда 45 минг дона парранда ҳадя қилинган. Қолаверса, ўтган даврда жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари, ҳудудий бўлинмалари томонидан 1879 та кам таъминланган оилалар фарзандлари учун суннат тўйи ҳамда турмуш қуриш ниятида бўлган ёшларнинг никоҳ тўйлари ўтказиб берилди.

Мамлакатимиздаги барча фуқаролар йиғинлари фаоллари ва маслаҳатчилари томонидан республика бўйича 1 миллиондан ортиқ оиланинг моддий аҳволи ўрганиб чиқилиб, моддий ёрдамга муҳтож деб топилган 184 мингта оилага «Маҳалла» жамғармаси ва ҳомийлар ҳисобидан 1 миллиард 280 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Қолаверса, никоҳи бекор бўлган ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишларни янада жонлантириш юзасидан ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, 89915 та шундай кам таъминланган оилалар аниқланиб, уларга 856 миллион сўмлик мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

Давоми 2-саҳифада

**Mahalla**

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.

**Нашр кўрсаткичи: 148**

**Бахоси келишилган нархда**

**Таҳририят манзили:** Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
**www.mahalla.uz**
**E-mail:** mahalla.gz@rambler.ru
**Телефонлар:**
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

**«M.R»** — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

**Муассислар:**
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! Севимли нашрингиз «MAHALLA»ни ҳамиша ҳамкор тутинг.
Обуна бўлишга шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Раёсат йиғилишида

# МУҲОКАМАДА – ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

«Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида барча умумтаълим муассасаларида «Оила—маҳалла—мактаб» ҳамкорлик марказларини ташкил этиш юзасидан махсус низом ишлаб чиқилган эди. Жорий йилнинг 1 октябрига қадар 6725 та мактабда шундай марказлар фаолияти йўлга қўйилди.

Қайд этиш жоизки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилаётган маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирларнинг янада самарали бўлишида ташкил этилаётган кўрик-танловларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Жумладан, бадиий ижод йўналиши бўйича 2008 йилнинг август ойида ўтказилган «Мафтункор ранглар жилоси» республика кўрик-танлови 8772 нафар ёш истеъдод эгаларини жипслаштирди. Бундан ташқари, жойларда ёш оилаларга кўрсатилаётган моддий ва ижтимоий ёрдамларнинг самарасини янада оширишда юртимиздаги фуқаролар йиғинлари ўртасида ўтказилган «Энг намунали ёш оила», «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган энг намунали маҳалла» республика кўрик-танловларининг ўрни айниқса, катта бўлди.

Шунингдек, йиғилишда жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишга тайёргарлик кўриш, сайловни амалдаги қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда, ошкоралик тамойилларига мувофиқ ташкил этиш масаласи муҳокама этилди. Бу борада бажарилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар белгилаб олинди.

**Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Ислоҳот самараси

Қашқадарё вилояти

## Жамғарилган пенсия:
# Кексаликда фароғат келтиради

***Қарши шаҳрининг Қарлуқбоғот маҳалласида истиқомат қилувчи Бахриддин аканинг қувончи чексиз. Сабаби унга мамлакатимизда белгиланган пенсиянинг энг юқори миқдори тайинланибди. Шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ходимларининг маслаҳати билан Халқ банкига боргач, кўнгли яна кўтарилди — амалдаги жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тартибларига кўра, унинг ҳисоб рақамида анчагина маблағ ҳам тўпланибди. Бахриддин ака вазиятнинг бундай тус олишини кутмагани учун аввалига бироз ҳайрон бўлди, кейин шунча йиллик меҳнати бекор кетмаганига шукрона келтирди. Энди ўғил-қизлар, невара-чеваралар ардоғида кексалик гаштини сурса арзийди.***

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган бир қанча қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» ҳамда Президентимизнинг 2005 йил 28 июндаги «Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари жамғариб бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, шу билан бирга, пенсионерларнинг фаровонлигини янада ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Пенсия таъминотига доир қабул қилинган қонун ва қарорлар ижросини таъминлаш борасида Қашқадарё вилоятида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида пенсия таъминоти тизимида мажбурий иштирок этадиган 28826 та иш берувчи корхона томонидан 365 минг 482 нафар ишчи-хизматчига сўровномалар тақдим этилган ҳолда банк муассасаларида ҳисоб рақамлари очилиб, Халқ банки транзит ҳисоб рақамига 2311 миллион сўм маблағ ўтказилди.

Қонун қабул қилингач, ўтган уч йил мобайнида 1746 фуқарога турли сабабларга кўра жамғариб борилган тўловлардан 57,7 миллион сўм маблағ тўланди. Жумладан, пенсия ёшига етган 1671 нафар фуқарога 55 миллион сўм, республика ҳудудидан кўчиб кетган фуқароларга эса 559,2 минг сўм, қонуний тартибда меросхўрларга 1492,6 минг сўм ҳамда бошқа ҳолатлар бўйича 28 нафар фуқарога 680,3 минг сўм маблағ тўланди.

Шуниси диққатга сазоворки, Халқ банки бўлими транзит ҳисоб рақамига келиб тушган маблағлар ҳар бир фуқарога очилган шахсий ҳисоб варақаға жойлаштирилиб, уларга устама фоизлар ҳам ҳисоблаб борилади. Жорий йилнинг дастлабки олти ойи давомида жамғармага қўйилган бадалларга 316,9 миллион сўм устама фоиз ҳисобланди.

— Давлат солиқ тизими ходимлари юридик шахслар томонидан мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг тўғрилиги, тўлиқ ҳисобланиши ва ўз вақтида жамғарма ҳисобига ўтказилиши ҳамда фуқароларнинг банкдаги якка тартибда жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақаларига қўшилиши устидан доимий назорат қилиб борадилар, — дейди вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Эшматов. — Текширишлар давомида айрим иш берувчилар ишга қабул қилинганларнинг сўровномаларини ўз вақтида тўлдириб, Халқ банкига тақдим этмаганликлари аниқланди. Ходимларимиз банк муассасаларида 3 мингдан ортиқ ана шундай ҳолатга йўл қўйилганлигини аниқлаб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий ёрдам кўрсатдилар. Яна бир муҳим масала. Ҳанузгача аҳоли ўртасида фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида нотўғри тушунчалар мавжуд. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамига ходимнинг ҳар ойлик иш ҳақидан олинадиган даромад солиғининг бир фоизи ажратма сифатида ўтказилади.

**Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси

Бандлик муаммоси ечими

# МЎЙНОҚДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАЛАРИ

***Мамлакатимиздаги энг мураккаб экологик шароит ҳукм сураётган Мўйноқ туманида фуқароларни иш билан таъминлашга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада туман бандликка кўмаклашиш маркази томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилянти.***

Жумладан, «Бандлик» дастури асосида туманда бўш иш ўринлари ярмаркалари мунтазам ўтказиб келиняпти. Жорий йил бошидан буён туман бўйича 580 нафар ишсиз фуқаро рўйхатга олиниб, ҳозирга қадар улардан 478 нафари доимий иш билан таъминланди. 27 нафар кишига ишсизлик нафақаси тайинланди. Хусусан, марказ саъй-ҳаракатлари билан 305 та янги иш ўрни ташкил этилди.

— Айни пайтда навбатдаги меҳнат ярмаркасини ўтказишга тайёргарлик кўряпмиз, — дейди туман бандликка кўмаклашиш маркази директори Б.Қалжанов. — Ушбу ярмаркада 20 дан ортиқ корхона, муассаса ва ташкилотлар юзга яқин бўш иш ўринлари билан қатнашиши кутилмоқда. Бундай тадбирларни ташкил қилишдан кўзланган асосий мақсад ёшларни, айниқса, хотин-қизларни доимий иш билан таъминлашдан иборат.

**Асил БЕК,**
**«Mahalla» мухбири.**



Карор ижроси йўлида

Фарғона вилояти

# МАРД ЎҒЛОНЛАР ВАТАН ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТА

***Айни кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 27 августдаги «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси чақирув пунктида бир гуруҳ йигитларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.***

Муддатли ҳарбий хизматга сафарбар қилинаётганларнинг ота-оналари, кенг жамоатчилик иштирокидаги бу маросим катта маданий-маърифий тадбир кўринишида ташкил этилди.

Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи майор Бахтиёр Юнусовнинг таъкидлашича, бўлажак аскарларнинг нафақат жисмоний тайёргарлиги, балки маънавий-руҳий камолоти, ҳарбий-ватанпарварлик фазилатлари чуқурлаштирилган тест синовларидан ўтказилаётгани миллий армиямизнинг сифат жиҳатидан такомиллашишига омил бўлмоқда.

— Барча ҳарбий қисмларда аскарларга ҳарбий хизматни юқори даражада ўташ учун зарур шарт-шароитлар яратилган, — дейди чегара қўшинлари зобити, лейтенант Баҳром Шокиров. — Шу боисдан муддатли ҳарбий хизматни ўташ мобайнида замонавий ҳарбий билим ва кўникмага эга бўлаётган аскарлар орасида ҳарбийлик касбини давом эттириш истагини билдираётганлар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарасидир.

Ўғлини ҳарбий хизматга кузатаётган Олтиариқ туманидаги Эскиараб қишлоғилик Холидахон Мирзакаримова шундай фикр билдирди:

— Беш ўғил ва икки қизни тарбиялаб, эл-юрт қаторига қўшдик. Мана, бугун кенжа фарзандим Аслиддинни аскарликка кузатяпмиз. Ўғлимнинг эл қаторига киргани шу-да. Биз ота-оналарнинг фарзандларимиздан кўнглимиз тўқ. Аввало, фарзандларимиз ўз Ватанимиз бағрида бўлишади, қолаверса, ҳарбий хизмат ҳар бир йигит учун ҳаёт мактаби ҳам. Ҳозирги кунда ҳарбий хизматни ўташ ҳар бир ўғлон учун шарафдир.

**Алижон МИРЗАБОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** *Бувайда туманилик Рўзихон Ҳасанова невараси Азизбек Хушназаровни ҳарбий хизматга кузатмоқда;*

*вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, майор Бахтиёр Юнусов чақирилувчилар билан.*

**Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.**

## Диққат, танлов!

*Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрлар орқали Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, аҳолининг барча қатламлари орасида мамлакат асосий Қонунининг ўрганилиши жараёнининг мунтазам равишда ёритиб борилишини таъминлаш ҳамда журналистларнинг бу борадаги профессионал маҳорати, ижодий фаоллигини ошириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида*

## «Менинг Конституциям»

**танловини эълон қилади.**

### Танлов йўналишлари

*Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:*

*- энг яхши таҳлилий материал (мақола, очерк, репортаж)*

*- энг яхши интервью;*

*- энг яхши фоторепортаж.*

### Танлов шартлари

Танловга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти, унда фуқаролар учун белгилаб берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, уларнинг амалдаги ижроси чуқур таҳлил қилинган, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида асосий Қонунни ўрганиш борасида амалга оширилаётган жараёнлар кенг ёритилган, бу йўлда дуч келаётган муаммолар таҳлилий ва танқидий рухда кўтариб чиқилган материаллар, фоторепортажлар тақдим этилади.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, эълон қилинган ҳолда босма нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак.

Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади:

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрларда «Менинг Конституциям» танловига» рукнида танлов матбуотда эълон қилинган 2007 йил декабрь ойидан 2008 йил 1 декабргача чоп этилган бўлиши шарт.

### Танловни ўтказиш тартиби

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, манфаатдор жамоат ташкилотлари, идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

### Танлов ғолибларига мукофотлар

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари фонд томонидан таъсис этилган диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар «Менинг Конституциям» танловига» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2008 йил 1 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 2441251, 2441596 *www.mmf.uz*, **e-mail:** *mmf@uzpak.uz*.

***Ташкилий қўмита***

Саломатмисиз, маҳалладош?

Жиззах вилояти

# ТАЛАБГА МОС ТИББИЙ ХИЗМАТ

## аҳоли саломатлигини таъминлашга хизмат қиляпти

***Вилоятда тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларнинг изчил йўлга қўйилгани аҳоли саломатлигининг яхшиланишига сабаб бўлмоқда. Буни соҳадаги муаммоларга босқичма-босқич барҳам берилиб, илғор тажрибаларнинг амалиётга кенг жорий қилинаётганидан ҳам билса бўлади. Кадрлар масаласига жиддий эътибор қаратилаётгани туфайли айни пайтда воҳанинг энг чекка қишлоқларидаги врачлик пунктлари ҳам малакали ходимлар ва тиббиёт ҳамширалари билан тўлиқ таъминланган. Айниқса, бу борада Жиззах тумани тиббиёт бирлашмаси томонидан амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир.***

170 минг нафар аҳоли истиқомат қиладиган ушбу йирик туманнинг Учтепа даҳасида жойлашган марказий касалхона, замонавий поликлиника, 70 ўринли акушерлик мажмуаси, Равот ва Ҳамзаобод қишлоқ шифохоналари, силга қарши курашиш диспансери, репродуктив саломатлик марказлари, шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими ва давлат санитария-эпидемиология назорат муассасаси аҳоли саломатлиги йўлида хизмат кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, туманда 22 та ҳудудий амбулатория врачлик пункти, 19 та қишлоқ врачлик пункти ҳамда 8 та фельдшер-акушерлик пунктлари фаолият юритмоқда.

Ҳомиладор аёлларни амбулатория ва стационар шароитда даволаш ишларининг тубдан яхшиланиши натижасида жорий йилнинг ўтган даврида 300 нафардан зиёд бемор аёлларнинг туғиш олдидан саломатлиги тикланди. Тиббиёт бирлашмаси аҳил жамоаси ёшларнинг соғлом оила қуриши, соғлом оилада соғлом фарзанд туғилиши, уларни баркамол қилиб тарбиялаш борасида авлоддан авлодга ўтадиган ирсий касалликларнинг олдини олиш, туғма ногиронларни ўз вақтида аниқлаш бўйича ижобий натижаларга эришмоқда.

Ҳудуддаги тиббиёт муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга катта эътибор қаратилаётгани ҳам диққатга сазовордир. Шу кунгача мавжуд 19 та қишлоқ врачлик пунктларидан 14 таси Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) томонидан ажратилган асбоб-ускуна ва техника воситалари билан таъминланди. Улардан аҳоли саломатлиги йўлида кенг фойдаланилмоқда. Қолган бешта врачлик пунктларини яқин вақт ичида «Жаҳон банки» грантлари асосида жиҳозлаш режалаштирилган.

Шубҳасизки, юқоридаги ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ. Бунда жамоа аъзолари зиммасидаги масъулиятни чин дилдан ҳис этиб, фидойилик кўрсатаётгани, қолаверса, шифо истаб келган беморлардан меҳнати ва меҳрини аямаётгани бош омил бўлмоқда.

Туман тиббиёт бирлашмаси саломатлик маркази; «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман халқ таълими бўлими ва ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида ҳудуддаги мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва маҳаллаларда юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида мунтазам равишда очиқ мулоқотлар ўтказиб келинаётир.

— Сўнгги йилларда бўлаётган қурғоқчилик ичимлик сув муаммоси устига оқар сув танқислигини ҳам келтириб чиқарди, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Маматқул Холиқов, — Шу йилнинг ёз ойларида марказий касалхонамиз атрофида барпо қилинган боғни суғоришнинг имкони бўлмади. Челакларда сув келтириб, гулларни парвариш қилган бўлсак-да, янгидан ўтказилган юзлаб дарахт кўчатлари суғсизликдан қуриб қолди. Бу муаммони ҳал этиш мақсадида касалхона ҳудудида артезиан қудуғи қазиб, сув чиқаришни режалаштирдик. Келгуси йилда мавжуд дов-дарахтларни доимий равишда суғоришни йўлга қўймоқчимиз.

**Абдували ҚАРШИЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

## ХАЛҚАРО

**ИРОҚ:**

***АҚШ ҳарбийлари яқин кунларда Ироқнинг собиқ президенти Саддам Ҳусайннинг бош қароргоҳини амалдаги ҳукуматга топширади, дея хабар тарқатди «The Times» нашри.***

### БОШ ҚАРОРГОҲНИНГ ЭГАСИ КИМ?

Ҳозирда мазкур қароргоҳда АҚШ, Буюк Британия ва австралиялик минглаб дипломатлар, ҳарбийлар ва бошқа ходимлар фаолият юритишмоқда. Бироқ айни пайтда бу кишиларни Бағдодда АҚШ элчихонаси учун махсус қурилган бинога кўчириш ишлари бошлаб юборилган. Қароргоҳни бўшатиш масаласи жорий йил охирига қадар ҳал этилиши керак.

Норасмий маълумотларга кўра, бош қароргоҳ Ироқ ҳукуматига 2009 йилда топширилади. Тахмин қилинишича, шундан сўнг мамлакат бош вазири Нури ал-Маликий ушбу қароргоҳга жойлашиши мумкин.

Ҳозирда мамлакатнинг 18 та вилоятидан 11 тасида назорат амалдаги Ироқ ҳукумати томонидан амалга оширилмоқда.

**ХИТОЙ:**

### ҚУРОЛ-ЯРОҒ САВДОСИ ҲАМКОРЛИККА ЧЕК ҚЎЙДИ

***«France Presse» ахборот агентлигининг хабар беришича, АҚШнинг Тайванга қарийб 6,5 миллиард долларлик қурол-яроғ сотиш режасидан хабар топган Хитой давлати Пентагон билан ўзаро ҳарбий алоқаларни тўхтатди.***

Бу ҳақда душанба куни АҚШ ҳарбий бошқармаси майори Стюарт Аптон маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, Хитойнинг бундай муносабати «ғоят кескин бўлиб, кўпгина имкониятларнинг бой берилишига сабаб бўлади».

Жумладан, Аптоннинг айтишича, икки давлат ўртасида жорий йилнинг ноябрь ойи охирларига мўлжалланган олий даражадаги бир қатор учрашувлар номаълум муддатга кечиктирилган. Бундан ташқари, гуманитар йўналишдаги баъзи алоқалар ҳам тўхтатилган.

Ўтган ҳафтанинг жума кунида Пентагон АҚШ Конгрессига Тайванга жами 3,1 миллиард долларлик 330 та ракета, чамаси 2,5 миллиардлик 30 дона 30 AH-64D Apache Longbow русумли вертолёт, 31 та UGM-84L Harpoon русумли (денгиз кемаларига қарши) ракета ва бошқа қуроллар ҳамда ҳарбий техника воситалари етказиб бериш ниятида эканлигини маълум қилган эди. Бир ой муддатда конгрессменлар ушбу шартнома юзасидан фикр-мулоҳаза ва эътирозларини билдиришлари мумкин.

**ИНДОНЕЗИЯ:**

### СОПУТАН ВУЛҚОНИ ҲАРАКАТГА КЕЛДИ

***Индонезиянинг Сулавеси оролидаги Сопутан вулқони ҳаракатга келди. Бу ўз навбатида маҳаллий аҳолининг хавфсизлигига жиддий хавф туғдиряпти. Тез орада яқин-атрофдаги қишлоқлардан аҳоли эвакуация қилиниши мумкин.***

РАТА-ТАСС агентлигининг хабар беришича, ҳозирча хавфсизликни таъминлаш мақсадида одамларга вулқондан камида 4 километр узоқликда бўлиш тавсия этилган. Энг яқин аҳоли маскани эса вулқондан 8 километр олисда жойлашган.

Сўнгги марта Сопутан вулқони 1991 йилда ҳаракатга келиб, бир нечта аҳоли пунктлари вулқон отилиши оқибатида вайрон бўлган эди. Айни кунда Индонезияда жами 129 та ҳаракатдаги вулқон мавжуд бўлиб, улардан 21 таси Ява оролида жойлашган.

Шукрона

Жиззах вилояти

# «Хумо қуши бошимизда мудом турсин!»

***Ўзбекистонимизнинг Истиқлолидан айланай! Бу кунларни орзу қилган мен тенги инсонлар кўп эди. Мен бугунгидек дориломон кунларни кўриш бахтига етган кексаларданман.***

Ҳозирги ёшларга ҳавасим келади, уларнинг озод ва обод Ватанда ҳеч кимдан кам бўлмай яшаётганидан жуда-жуда бахтиёрман.

Бир асрдан зиёдроқ ҳаёт кечириб шунга амин бўлдимки, мустақилликнинг шарофати ғоят улуғ экан. Ўз Ватанинг ва ўз элинг ардоғида бўлиш гашти кексалик даврими мазмунга тўлдиряпти. Бундай пайтда яшаган сайин яшагинг келаркан, ўзимни руҳан ёшаргандек ҳис қиляпман. Катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган, дориломон кунларда фарзандлари, ўттиз нафар невара ва чевараларинйнг эъзозида бўлган мендай кайвонининг яна қандай орзулари бўлиши мумкин?!

Истиқлолимизнинг 17 йиллик байрами арафасида Президентимиз Фармони билан кўп йиллар мамлакат равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилган, ҳозирги пайтда ҳам бой тажрибаси, маънавий фазилатлари билан эл-юртга ибрат бўлиб, ўгит-насиҳатлари билан ёшлар тарбиясига ўзларининг ҳиссасини қўшиб келаётган ёши юздан ошган бир гуруҳ отахон ва онахонлар қаторида менинг ҳам «Шуҳрат» медали билан тақдирланганимдан кўнглим тоғдек кўтарилди. Хабарни эшитиб, хурсандлигимдан кўзларимга ёш қалқди. Фарзандларим, невараларимнинг қувонганини айтмайсизми?! Қадрдон маҳалладошларим мени қутлагани келишди, уйим тўйхонага айланди. Бир умр деҳқончилик ва чорвачилик билан, бола тарбияси билан шуғулланган мендай муштипар учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Дил изҳори сифатида, эл-юртимиз фаровон, мамлакатимиз бундан-да обод бўлиб, унинг бошидан Хумо қуши кетмасин, дея дуо қиламан.

**Оққиз СУЛТОНОВА,**
**Ғаллаорол шаҳридаги Аламли маҳалласи фуқароси, «Шуҳрат» медали соҳибаси.**

Муносиб тақдирланганлар

Самарқанд вилояти

# ФИДОЙИ МЕҲНАТ РАҒБАТСИЗ ҚОЛМАЙДИ!

***Мир Саид Барака номидаги маҳалла фуқаролар йиғини нафақат Самарқанд шаҳрида, балки республикамизда таниқли бўлган маҳаллалардан. Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида йиғиннинг жонкуяр раиси Суннат Кўбаев Президентимиз Фармонига кўра «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди.***

Суннат ака тиниб-тинчимайдиган инсон. У ҳамиша кимнингдир ташвишини аритиш, муаммосини ҳал этиш ғамида юради. Бутун меҳрини, қалб-қўрини маҳаллага бағишлаган оқсоқол ҳар куни тонгда кўчаларни яёв кезиб, ҳудуд ораслигини назорат қилади, қилиниши зарур бўлган ишларни чамалайди. Пешинга қадар йиғин идорасида фуқароларни қабул қилгач, маҳалла фаоллари билан ишларнинг боришини муҳокама қилади. Шунча ишдан ортиб бева-бечоралар, беморлар ҳолидан хабар олишни, кунига бир маҳал ҳудуддаги хизмат кўрсатиш шохобчаларини айланиб чиқишни ҳам канда қилмайди. Ўқув масканларида бўлиб, болаларнинг таълим-тарбияси, ота-оналар қўмитаси фаолияти билан қизиқади.

Пайариқ туманининг Шерқўрғон даҳасида туғилиб ўсган Суннат ака ҳали мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ чорвачилик бўйича етук мутахассис бўлишни дилига тугиб қўйган эди. Мақсадини амалга ошириш учун 1965 йили Самарқанд давлат қишлоқ хўжалиги институтининг зоотехника факультетига ўқишга кирди, қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. У қаерда, қайси лавозимда ишламасин, сидқидилдан меҳнат қилди. Чин дилдан қилинган меҳнат рағбатсиз қолдирилмади — Суннат ака ишдаги ютуқлари учун ўз даврида «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланди, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» унвонига сазовор бўлди.

Суннат Кўбаев 2003 йилда фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди. Ўтган давр мобайнида у бошчилик қилаётган маҳалла вилоят ва республика миқёсида ўтказилган турли кўрик-танловларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритди. Чунончи, 2007 йилда «Аҳолининг ижтимоий муҳофазаси вазифаларини ҳал қилишда энг намунали маҳалла» республика кўрик-танлови ғолиби бўлган бўлса, жорий йилда «Маҳалла қошидаги энг намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловида ҳудуддаги 14-милиция таянч пункти биринчи ўринга лойиқ топилиб, «Матиз» автомашинаси билан тақдирланди. Бундан ташқари, йиғин атроф-муҳит озодалиги бўйича «Экосан» халқаро ташкилотининг мукофотини ҳам қўлга киритди.

Маҳаллада турли учрашув ва тадбирлар, байрамлар баҳамжиҳат ўтказилади. Маҳалла марказига йиғилган маҳалладошлар бир-бирларини самимий қутлашади, совға-саломлар улашилади. Бу йилги Мустақиллик байрами ҳам маҳаллада шод-хуррамлик билан ўтказилди. Шу куни «Энг ораста хонадон», «Маҳалланинг энг фаол аёли», «Энг аҳил қайнона-келин», «Маҳаллада узоқ йиллар яшаб, комил фарзандлар етиштирган оила» сингари кўрик-танловлар ғолибларига мукофотлар топширилди. Ҳудуддаги боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар ва ногиронларга қарийб 5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Мир Саид Барака номидаги маҳалла кундан кун чирой очиб, кўркамлашиб бормоқда. Айни пайтда ҳудудда 2 та академик лицей, Санъат саройи, «Бахт уйи», автосалон, 4 та ресторан, 2 та хусусий меҳмонхона, 12 та дўкон ва 2 та дорихона ишлаб турибди.

Албатта, йиғинда қўлга киритилаётган ютуқларни бир кишининг номи билан боғлайвериш тўғри эмас. Бироқ умум ишида бошчининг тўғри қарор қабул қилиши, кўпчиликнинг бошини қовуштириб, янги ишларга жалб эта олиши, ташаббускорлиги катта аҳамият касб этади. Суннат Кўбаев ана шундай фазилатларга эга бўлгани ва уни амалда қўллай билгани учун ҳам у раислик қилаётган маҳалла обод, ўзи эса юксак мукофотга сазовор бўлгани шубҳасиз.

**Шоира ШУКУРОВА**

Олам турфа

## НЕЧТА ТИЛДА СЎЗЛАША ОЛАСИЗ?

***Асли касби вирусолог шифокор бўлган москвалик Вилли Мельников-Сторквист 105 та тилни билиши билан «Гиннес рекордлари» китобидан жой олган. Вилли бир нечта тилда сўзлашишдан ташқари, 95 тилда шеър ҳам ёза олади.***

Ҳа, бундай ноёб қобилият ҳар қандай кишини ҳам ҳайрон қолдиради. Бироқ Вилли фақат тил ўрганиш билан чекланиб қолмайди. У суратқашлик, архитектура, тарих, рассомлик каби соҳа ва фанларга қизиқади. Булардан ташқари, Виллини истеъдодли актёр ҳам дейиш мумкин. Айни пайтга қадар у бир нечта кинофильмларда роль ижро этишга улгурган.

## ЖАЗИРАМА ҲУКМ СУРГАН ҲУДУДЛАР

***Дунёдаги давлатлар ер юзининг қайси қисмида жойлашганлигига қараб ўзига хос иқлимга эга. Шунга кўра, баъзи мамлакатларни иссиқ, баъзиларини эса совуқ ўлкалар деймиз.***

Маълумотларга кўра, 1917 йилнинг июль-август ойларида АҚШнинг Калифорния штатидаги Ўлим Водийсида 43 кун давомида +48.9 С даража ҳарорат ҳукм сурган.

Ғарбий Австралиянинг Марбл-Баре шаҳрида 1923 йилнинг 30 октябридан 1924 йилнинг 8 апрелига қадар, яъни 162 кун мобайнида қайд этилган ўртача ҳаво ҳарорати +32.2 С, энг юқори ҳарорат 48.9 С даражага тенг бўлган.

Энг юқори ҳарорат эса 1922 йилнинг 13 сентябрида (+58 С даража) Ливиянинг Эль-Ализия ҳудудида қайд этилган. Шу куни Саудия Арабистонида ҳам +58.4 С даражали жазирама кузатилган.



Тошкент шаҳри

# Қуроқ тиккан қизгина — БЎЛАЖАК шифокор

Тошкент Тиббиёт академиясининг даволаш факультети 2-курс талабаси Жонона Маҳкамова келажакда қўли енгил шифокор бўлиб етишишни, одамлар дардига малҳам бўлишни орзу қилади. У олийгоҳнинг энг илғор ва изланувчан талабаларидан бири. Жононанинг ёшлигидан қизиқиб бажарадиган яна бир машғулоти — қуроқ тикиш. Буни у онаси, амалий меҳнат фани ўқитувчиси Гулихон опадан ўрганган. Жонона қуроқ тикишга ижодий ёндашади. У ўтган йили «Келажак овози — 2007» кўрик-танловида ўзи меҳр билан тиккан турли буюмлари билан қатнашиб, республика босқичида ғолиб бўлган. Жононанинг оиласи Мирзо Улуғбек номли тумандаги Мағрур маҳалласидаги намунали оилалардан бири ҳисобланади.

— Дунёда инсонда қизиқиш уйғотадиган соҳа ва йўналишлар, ҳунар турлари жуда кўп. Қуроқ тикишга ёшлигимдан қизиқаман. Айрим дугоналарим бу машғулот замонавий қизларга ярашмайди, деб ўйлашади. Лекин мен ўзим тиккан буюмлардан фойдаланганимда уларнинг ҳавас қилишаётганини сезаман. Менимча, халқ амалий санъати ҳамиша ўз қадрини, долзарблигини йўқотмайди.

**СУРАТДА:** *қўлигул тикувчи, бўлажак шифокор Жонона Маҳкамова.*

**Р.ГАЛИЕВ олган сурат.**

Ушбу фотолавҳа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. «Ёшлар сиёсати амалга оширилишини такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи тарғиботи».

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига

# МИЛЛИЙ ВА ҲАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАР

***XX аср инсоният цивилизацияси тарихида чуқур из қолдириб, бу даврда жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида беқиёс аҳамиятга эга бўлган воқеалар ўз ифодасини топди.***

Чунончи, 1948 йил 10 декабрь куни Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қабул қилиниши ана шундай улкан ижтимоий-сиёсий воқеалардан бири бўлди. Декларациянинг мазмун-моҳияти замирида инсон, унинг ҳаёти ва соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликлари юксак қадрият сифатида эътироф этилиб, ушбу ҳуқуқий меъёрлар демократик ривожланиш йўлини танлаган ҳар қандай давлат эришиши лозим бўлган устувор мақсад сифатида белгиланди. Ушбу масаланинг моҳиятини теран англаган ҳолда истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида кенг қамровли ислоҳотлар жадал амалга оширила бошланди. Хусусан, 1991 йил 30 сентябрда Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ратификация қилиниши бу борадаги ишларнинг дебочаси бўлди. Юртимизда мазкур декларация моддаларининг устуворлиги натижасида инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган адолатли қонунчилик тизими шаклланиб борди.

Бунинг биргина ифодаси сифатида бугунги кунга келиб инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси 60 га яқин халқаро ҳужжатга қўшилгани юртимизда бу соҳада нечоғли улкан ишлар амалга оширилаётганидан далолатдир. Айниқса, 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони алоҳида аҳамият касб этиб, республикамизда декларациянинг 60 йиллигини муносиб нишонлаш бўйича қатор тадбирларни ўтказиш режаси белгилаб берилди. Шу билан бирга, фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ва кўриб чиқиш масаласи кун тартибига қўйилди.

Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳотларнинг пировард мақсади фуқаролар учун муносиб турмуш шароитларини яратиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ва самарали кафолатларини таъминлашга хизмат қилишдир. Бу эса Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 22-моддасига тўла мувофиқ келади. Унда қайд этилганидек, инсон ва фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳуқуқларини амалга ошириш шахснинг қадр-қимматини таъминлашда ва унинг эркин ривожланиши учун ниҳоятда зарурдир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-бўлими инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган бўлиб, унда шахсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар ҳамда уларнинг кафолатлари мустаҳкамланган.

Миллий ва халқаро ҳуқуқий меъёрлар мазмун-моҳиятининг ўзаро мутаносиблиги фуқароларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларига ҳам тааллуқли бўлиб, бу инсон турмуш даражасини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, бу икки ҳужжатда ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш, дам олиш, шунингдек, қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқлари қайд этилган. Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳуқуқларнинг амалга оширилиши юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида туб ислоҳотларни амалга оширишга асос бўлди.

**Ш.ҒОЗИЕВ,**
**Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси.**

Ҳар маҳаллада ҳар юмуш

Тошкент вилояти

# ТАШАББУС БИРДАМЛИККА ЧОРЛАДИ

***Пискент шаҳридаги Мўминобод маҳалласи фуқаролар йиғини ҳудудида қадимий «Ҳасти Бузрук» қабристони жойлашган.***

— Болалигимизда қабристон ёнидаги баланд минорали масжид ва мақбара бизда катта қизиқиш уйғотарди, — дейди кўп йиллар мактабда ёш авлодга таълим-тарбия бериб, айни пайтда пенсияга чиққан Ориф ота Обидов. — Афсуски, бу ерлар узоқ вақт қаровсиз аҳволда ётди. Бир пайтлар лайлаклар минорага ин қуришгани туфайли бу ер «Лайлак уя» деб ҳам аталган.

«Ёқуббек» хусусий корхонаси раҳбари Абдусаттор Рашидов савобли ишга бел боғлаб, қабристон ва унинг атрофини ободонлаштириш ташаббуси билан чиқди. Хайрли ишни мўминободликлар ҳам қўллаб-қувватлаб, унга ёрдамга келишди. Тез фурсатда ҳудуд ободонлаштирилиб, кўркам иморат ҳам барпо этилди. Атрофига гуллар экилиб, сўлим қиёфа касб этган гўша эндиликда маҳалла аҳли учун зиёратгоҳга айланди.

— Ҳали режамизда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар жуда кўп, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғайрат Ҳамдамов. — Маҳалламиз, жумладан, ҳазрати Бузрук зиёратгоҳи тарихига доир маълумотларни тўплаш, қадимий минорани тиклаш олдимизда турган вазифалардан саналади.

**Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Одам савдоси — олам муаммоси

# САРОБГА АЛДАНГАНЛАР САБОҚ БЎЛСА-ЧИ, БИЗГА!

**Тошкентда Қўйлиқ шоҳбекатидаги емакхоналардан бирида ёши олтмишлар чамасидаги бир онахон билан бир столда ўтириб ҳамсуҳбат бўлиб қолдим. Онахон қўқонлик экан, гап орасида танишиб ҳам олдик. Онахон паришонхотир ўтирарди: пиёладаги чойи аллақачон яхнага айланган, яримтагина кулча нонга қўл ҳам урмаган, ўқтин-ўқтин хўрсинади, кетидан «Яратган эгам, ўзингга шукр...» деб қўяди.**

Суҳбат асносида журналист эканимни билгач, у исмимни қайта сўради-да, дабдурустдан шундай деди:

— Ўғлим, ёшим бир жойга борганда фирибгар одамларга алданиб ўз дилбандимни жар ёқасига йўллаб қўяёздим. Агар бўлиб ўтган воқеа-ҳодисадан бирма-бир сўзлаб берсам, газетангизда ёзасизми? Зора, мен каби кўзи очиқ сўқирларга сабоқ бўлса!

Бутун вужудим қулоққа айланди.

— Дунёда инсон қиёфасига кирган илонлар ҳам бор экан, ўғлим, — ҳикоясини бошлади онахон. — Шундайлар мен каби соддадил одамлар қўйнига кириб, ҳаётига оғу солмоқчи бўлишади. Мен бир муштипар, ўз фарзандининг бахтига, унинг бокира орзуларига эомин бўлган бадбахт онаман.

Худо бизга ўғил бермаган. Эгизак қизларимнинг Фотимаси тортинчоқ, кичиги Зуҳра эса шаддодроқ бўлиб ўсди. Иккисидан бўлак ҳеч кимим йўқ. Турмуш ўртоғимнинг вафотидан кейин не-не қийинчиликлар билан эндигина мактабни битирган катта қизим — Фотимани куёвга узатдим. Ҳали қизим ёш десам-да, куда томон оёқ тираб олишди. Қайнонаси гапга чечангина, ҳар бир сўзини чертиб-чертиб гапирадиган, эллик ёшни қоралаб қолган савдогар аёл эди. Аксига олиб қизгинамнинг турмуши бўлмади. Фарзандли бўлгач, чилласи чиқмасдан гўдаги билан қайтиб келди. Зуҳрамни ҳам келинликка сўрагувчи кўп бўлди-ю, лекин тақдири қўшилмаган эканми у-бу сабаб бўлиб узатмадим.

Ана шу ғам-ташвишлар билан сиқилиб юрган пайтларим эди. Эрта кўклам кунларининг бирида эшик тақиллаб қолди. Бир пайтлар шундоққина ёнимиздаги хонадонда яшаган эски қўшнимиз Барнохонни кўриб ажабландим. Унинг ёнида бир эркак ҳамроҳи ҳам бор эди, икковини ичкарига таклиф қилдим.

— Бу ҳамкасбим Иосиф бўлади, — деди Барнохон қисқагина ҳол-аҳвол сўрашгач қиррабурун, мўйловли армани кишига ишора қилиб, — Новосибирскнинг манман деган тадбиркорларидан бири. Бир неча йилдан буён шерикчилик қилиб, бола-чақа, уйрўзғор деб тинмай ишлаб келяпмиз, — Барнохон тилла тишларини кўрсатиб кулди.

Очиғи унга ҳам ҳавасим, ҳам ҳасадим келди, ўшанда. Бир неча йил олдин ёнимиздаги мактабда фаррошлик қилиб кун кечирарди. Энди эса... Бармоқларида қўша-қўша тилла узук, либослари ҳам алламбало — аҳнабийча.

— Қўл-оёғи чаққон қизларни ўша томонларга ишга олиб кетмоқчимиз, — муддаога кўчди Барнохон, — яхшигина маоши бор, ёток, еб-ичиш, ҳужжат ишлари бизнинг ҳисобимиздан.

— Қанақа иш экан? — қизиқсиниб сўрадим мен.

— У ерда кавказча ресторанимиз бор, — дея рус тилида жавоб берди ҳалиги армани эркак. — Ўша ерда официанткалик қила оладиган қизларни танлаяпмиз. Ойлиги сира ҳам кечикмайди, яхши ишлаганларга устама ҳақ берилади. Қисқаси, хафа қилиб қўймаймиз...

— Хўп, десангиз қизларингизни олиб кетардик, ҳамма харажатлар бизнинг ҳисобимиздан бўлади, — гапни илиб кетди Барно. — Фақат очиғини айтишим керак, у ёққа бориб иш бошлаганларида қарзларини узишади. Маошлари эса 300 дан 500 долларгача...

Катта даромад дарагини эшитиб, рости юрагим ўйнаб кетди. Қизларим бир-икки йил ишлаб келишса ёмонми? Яхшигина ҳовли-жой қилиб олардик. Ахир қачонгача товуқнинг каталагидек тор домда ўтирамиз!

Хуллас, рози бўлдим. Фотима ёш болали бўлгани учун ҳам «суҳбат»дан ўтолмади. Зуҳрам эса ишга борадиган бошқа қизлар билан бирга Андижон аэропортидан хорижга учадиган бўлди. Оқ фотиҳа билан қизгинамни кузатиб қолдим. Орадан икки ой ўтиб, менинг номимга келган 500 АҚШ долларини банкдан олар чоғимда бу ҳаром пул нуридийдамнинг орномуси булғаниши эвазига келганини қайдан билибман, мен ахмоқ?!

Пул олганимдан кейин кўп ўтмай, эрта тонгда, биздан бир қават пастда яшайдиган Дилоромхон зудлик билан унинг уйига киришимни, қизим ўзга юртдан қўнғироқ қилиб, мени кутиб турганини айтиб чиқди. Қўшнимникига қандай кириб, телефон гўшагини қандай қўлга олганимни билмайман. Ўшанда шўрлик қизимнинг ўксиб-ўксиб йиғлаганча айтган сўзларини эсласам, ҳали-ҳануз юрагим орқага тортиб кетади.

— Аяжон, жон ая, мен ортиқ чидолмайман! Мени тезроқ бу ердан олиб кетинглар. Бу ерда аёл шаънига ярашмайдиган ишлар билан шуғулланишар экан. Мени бузуқчиликка мажбурлашяптушади, қўрқанидан беркиниб олади...

Қизимнинг халоскори бўлган ўша Тоҳир ҳожига миннатдорчилик билдиргани келгандим. Афсус, учратолмадим. Тижорат ишлари билан кетган экан. Шунда ҳам сўраб-суриштириб, унинг хонадонини топдим. У кишининг онаси Садоқатхон ая билан суҳбатлашдим. У аёл ҳам мени соддалигим, бефарқлигим учун роса койиди. Ҳар нима бўлганда ҳам қизим бағримга қайтди. Лекин...

Менинг лақмалигим туфайли қизимнинг бошига тушган савдолар охиратимни кул қилмаса эди, деб қўрқаман. Ҳа, мен алдандим. Пулга, бойликка учиб ўз фарзандимни бахтиқаро қилдим. Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр, деб тўғри айтишган экан. Афсус, кўзим кеч очилди...

Дарҳақиқат, мол-дунё деб саробга алданиб қолаётган кимсаларни кўриб, ачинасан, киши. Вояга етиб-етмаган қизларини нотаниш кимсалар билан бегона юртларга ноқонуний юбориш илинжида бўлганларга қандай ўгит, панд-насиҳат қилиш мумкин? Бу кор қиларми-кан уларга? Наҳотки, одам ўз бошига тушмагунча аянчли фожеа юз бериши мумкинлигига ишонмайди, оғоҳ бўлолмайди? Наҳотки, одамзод учун сабоқ чиқариш шунчалик мушкул бўлса? Бир маҳалладан бир неча қиз-жувонлар узоқ юртларни кўзлаяптилару, қариндош-уруғ, маҳалла-кўй, кўпни кўрган мўйсафид оқсоқоллар бундан бохабар бўла туриб нега жим? Онахон дардли ҳикоясини айтди-ю кетди. Бу саволларга жавобни қайдан излаймиз, азиз маҳалладош?..

**Алижон МИРЗАБОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Махалладош ибрати

Хоразм вилояти

# КЎПНИНГ ИЧИДА ЎРНИНГ БЎЛСИН!

***Хива туманидаги Эски Қиёт қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Бобожон Юсупов етмиш ёшни қоралаб қолган бўлса-да, маҳалла-кўй юмушларидан чарчамайди. Бобожон отанинг таъкидлашича, кўпнинг корига яраш инсон учун улкан бахт. Шу боис, фарзандлари, набираларига ҳам доимо «Маҳалла-кўйда ўз ўрнинг бўлсин», дея панд-насиҳат қилади.***



— Бобожон ота қишлоғимиз фахрийлар кенгашининг раиси, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоли Рустамбой Матниёзов. — Отахоннинг бевосита иштироки ва маслаҳатлари билан амалга ошган хайрли ишлар кўп. Маҳалла гузарини барпо этиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг яхши йўлга қўйилганлиги, тўй-маъракаларнинг камчиқим, тартибли, файзли ўтиши Бобожон отанинг фаоллиги, жонкуярлиги натижаси десак, хато бўлмайди. Бундан ташқари, отахон «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ибратли ишлари ва намунали ҳаёти билан маҳаллада ҳурмат-эътибор қозонган фахрийлар ва ёшлар иштирокида турли тадбирларни ўтказишга ҳам бошчилик қилмоқда. Ўн нафар фарзандни тарбиялаб, эл қаторига қўшишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бобожон отанинг оилапарварлиги шундан ҳам аёнки, тўққиз нафар келини отахонни эъзозлаб, ҳурматини жойига қўйишади. Меҳр берсанг, меҳр кўрасан, деб бежизга айтилмаган-да.

Бобожон ота умр йўлдоши Саломат Жуманиёзова билан узоқ йиллар аҳил яшади. Фарзандларининг ҳаммаси олий маълумотли, ўз меҳнати билан эл-юртнинг ҳурмат-эътиборини қозониб яшамоқдалар.

— Оллоҳга шукр, фарзандларимнинг ҳаммаси касб-ҳунарли, уйли-жойли, — дейди Бобожон ота. — Яқинда «Ипотека банк»нинг вилоят бўлимидан ёш оилалар учун мўлжалланган имтиёзли кредит олиб, кенжа ўғлим Ҳурматбекка ҳам ҳовлижой олиб бердик. Истиқлол шарофати билан яратилаётган бу каби имкониятлардан баҳраманд маҳалладошларимнинг қувончу ташвишларига шерик бўлиб яшаётганимдан хурсандман.

**Абдулла САФОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

**СУРАТДА:** *Бобожон ЮСУПОВ набиралари даврасида*

**Шавкат СОБИРОВ олган сурат.**

Билиб қўйган яхши

***Ҳозирги вақтда дорихоналарда дори-дармоннинг минглаб хиллари мавжуд бўлиб, улардан турли хасталикларни даволашда фойдаланилади. Дори воситаларидан ўз ўрнида, шифокор тавсияси билан фойдаланилмайдиган бўлса, халқ ибораси билан айтганда, қош қўяман деб кўз чиқариб қўйиш ҳеч гапмас.***

# ДОРИНИНГ КОРИ

**шифокор тавсиясига кўра қўлланилмаган ёки сифатсиз дори воситалари инсон саломатлигига салбий таъсир этади**

Билиб-билмай қўлланилган дори воситаси инсон саломатлиги тикланишига эмас, ёмонлашишига сабаб бўлади. Кўр-кўрона равишда антибиотик ҳамда сульфаниламид препаратларини қабул қилиш кейинчалик бу препаратларнинг организмга таъсир этмайдиган бўлиб қолиши билан бирга ичак йўлларидаги фойдали бактерияларни ҳам кескин камайтириб юбориши, сезги аъзоларида салбий асоратлар қолдириши мумкин. Шунинг учун бемор фақат даволовчи шифокорнинг тавсияси билан белгиланган меъёрда дориларни қабул қилиши лозим. Шифокор беморнинг ҳолати, ёши, жинси, дардининг даражаси, таҳлил натижаларини инобатга олган ҳолда зарур дори воситасини тавсия этади.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, узоқ вақт сақланган дори воситалари даволовчилик хусусиятини йўқотади. Чунки уларнинг таркибидаги моддалар юқори ҳарорат, қуёш нури ва намлик таъсирида парчаланиш хусусиятига эга. Ҳатто айрим дорилар ноқулай шароитда зарарли воситаларга айланиб қолиши ҳам мумкин. Баъзан дори воситаларини маълум қоидаларга амал қилган ҳолда, хусусан, музлаткичда ёки қуёш нуридан ҳоли жойларда сақлаш белгиланган бўлса-да, улар шундоққина пештахталарга кўргазма сифатида териб қўйилади. Бу ҳам уларнинг сифати бузилишига олиб келади.

Дори-дармонлардан фойдаланишда йўриқномадаги кўрсатмаларга қатъий амал қилиш даркор. Айрим беморлар тезроқ соғайиш илинжида дориларнинг салмоғини атайин ошириб истеъмол қилишади. Бундай қилиш жигарга озор етказиш билан бирга эшакеми, яъни аллергияга ҳам мубтало қилиб қўйиши мумкин.

Айрим кишилар сифатли дори-дармонлар хийла қиммат бўлганлиги туфайли арзонроқ дориларни харид қилмоқчи бўлишади. Бу бозорларда, шоҳбекат ёки одамлар гавжум жойларда тиббий маълумотга эга бўлмаган «шоввоз»ларга сифатсиз, яроқлилик муддати ўтган ёки қўлбола «дори»ларни пуллаш учун қўл келади. Улардан сотиб олинган арзон-гаров «дори»ларнинг эса нафидан кўра зарари кўпроқ эканлигини, таассуфки, ҳамма ҳам англаб етмаяпти.

Россиянинг «Аргументы и факты» ҳафтаномасида чоп этилган «Бесполезные лекарства» («Фойдасиз дори-дармонлар») сарлавҳали мақолада самарадорлиги тўла ўрганилмаган ёки сохта дориларни савдога чиқариш



ҳолатлари ҳануз мавжуд эканлиги ҳақида бонг урилган эди. Бундай маълумотлар ҳар биримизни ҳушёрликка ундаши лозим. Агар саломатлигингизга бефарқ бўлмасангиз, кўчакўйда номаълум шахслардан арзон-гаров дориларни харид қилишга ошиқманг. Дорихонадан дори воситаларини харид қилишдан аввал эса маҳсулот сертификатини сўрашни, сақланиш муддатига эътибор беришни унутманг. Агар дорининг қадоқланиши сизда шубҳа уйғотса ёки қадоқ устидаги ёзувлар хира бўлса, яхшиси уларни харид қилмаганингиз маъқул.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос.**

## МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

**ҚЎЙ (21.03-21.04)**
Агар шу кунларда кайфиятингизни кўтаришнинг бирон чорасини кўрмасангиз, фаолиятда ҳам ижобий натижага эришишингиз қийин.

**СИГИР(22.04-20.05)**
Кузги об-ҳаво ўзгариши сизга ўзига хос тарзда таъсир қилиши эҳтимол, яъни бундай пайтда кўпчилик тушкун кайфиятга тушиб қолса, сиз аксинча жуда қувноқсиз.

**ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)**
Қимматбаҳо буюм харид қилишда турмуш ўртоғингизнинг маслаҳатларини ҳисобга олган ҳолда иш тутиш сиз учун шу кунларда ҳар доим-гидан-да муҳимроқ.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)**
Фаолият доирангизни кенгайтиришга аҳд қилган бўлсангиз, ҳайиқмасдан олға босинг. Ишончли ҳамкорлар, керакли маблағ сиз ўйлагандан анча тез ва осон топилади.

**АРСЛОН (23.07-22.08)**
Айни кунларда сўзларингиз ҳақлигига бировни ишонтиришдан қийинроқ юмуш йўқ сиз учун. Диққат-эътиборингизни оила, рўзғор ташвишларига қаратинг.

**ПАРИЗОД(23.08-22.09)**
Кейинги пайтда жамғарган маблағингизни ой бошидаёқ ўйламай сарфлаб қўйишингиз мумкин. Бехуда харажат оилангизда можаро чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

**ТАРОЗИ (23.09-22.10)**
Сизни танқид қилувчиларни бирдан ёмон кўриб қолишингиз яхши эмас. Улар сизга душман эмас, аксинча, тақдирингизга бефарқ бўлмаган кишилар, холос.

**ЧАЁН (23.10-22.11)**
Қувватсизликдан нолиган пайтларингиз кўп бўлади. Лекин дийдиё қилиб ўтирмасдан, тезроқ бунинг бирон чорасини кўрганингиз фойдалироқ. Оила даврасида дам олинг.

**ЎҚОТАР (23.11-21.12)**
Яқин кунларда иш жойингизда, айниқса, раҳбар ҳузурида баҳс-мунозараларга киришмай турганингиз маъқул. Майли, сиз ҳақингизда «Ичидан пишган одамда», дея қолишсин...

**ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)**
Шу кунларда меҳмондорчилик, базмларда кўп вақтингизни ўтказишингиз боис фаолиятда муҳим имкониятларни бой беришингиз эҳтимоли йўқ эмас.

**ҚОВҒА (20.01-18.02)**
Уддалаш қийин бўлган юмушларга киришмоқчисиз, Ўзингиз бироз қийнамоқчи бўлсангиз, шу алпозда давом этаверинг.

**БАЛИҚ (19.02-20.03)**
Маблағ масаласида аҳволингиз ҳавас қилгудек эмас. Шунга қарамай, дўстлар даврасида сиздан танти, очиққўл одамни топиш қийин. Оқибатини ўйлаб кўринг-чи...

Ажабо!

***«The Times» газетасида ёзилишича, жорий йилда Махатма Гандининг туғилган куни ҳиндистонликлар хотирасида чекишга қарши энг қатъий чора кўрилган кун сифатида сақланиб қолади. Сабаби, айнан шу кундан бошлаб ҳиндистонликларга барларда, ишхоналар ва жамоат транспортларида чекиш тақиқланди. Ушбу қоидани бузганларга эса 200 рупий миқдорида жарима солинади.***

## ЧЕКУВЧИЛАРГА ҚАРШИ ҚАТЪИЙ ЧОРА

Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ва бар-ресторанларнинг хўжайинлари бу янги қоиданинг жорий этилишига жиддий эътироз билдиришди. Бироқ мамлакат ҳукумати уларнинг норозиликларини эътиборга олмади.

Расмий маълумотларга кўра, Ҳиндистон аҳолиси орасидаги касалликларнинг 40 фоизи тамаки маҳсулотларини чекиш оқибатида келиб чиқмоқда. Бугунги кунда аҳолиси сони 1,2 миллиардга тенг бўлган Ҳиндистонда чекувчилар сони деярли 250 миллион нафарни ташкил этади. Шунингдек, мамлакатда чекувчи аёллар сони ҳам тобора ортиб боряпти.

* * *

***Американинг Марс сайёрасини ўрганувчи «Phoenix» техник қурилмаси яқинда фазони тадқиқ қилувчи олимлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотларни жўнатди. NASA мутахассислари мазкур қурилма Марснинг устки қатламидан иккита кимёвий қоришма топганлигини маълум қилишди. Айнан мана шу топилмалар қачонлардир Марсда сув бўлганлигидан далолат беради.***

## МАРСДА ҲАМ ҚОР ЁҒАДИМИ?

Бундан ташқари, қурилма қишда Марс сайёрасида қор ёғишини ҳам аниқлаган. «Ҳозирда Марсда қиш бошланяпти, унинг юзасидаги ҳаво ҳарорати тобора пасайиб, куёш ҳам бу сайёрадан олислашиб бормоқда. Шунингдек, биз «Phoenix» ёрдамида уфқдаги булутларни ва осмондан тушаётган қор учқунларини кўришга муваффақ бўлдик», дейди метереологик станция мутахассиси Жим Уайтвей.

Айни пайтда «Phoenix» микроорганизмларнинг яшаши учун қулай шароит топиш мақсадида Марснинг шимолий ҳудудларини ўрганмоқда. Ушбу қурилманинг Марсдаги фаолият муддати жорий йилнинг 25 майидан 26 августигача деб белгиланган эди. Бироқ унинг ишлаш қуввати сусаймаганлиги боис бу муддат дастлаб 1 октябргача, кейин эса номаълум муддатга узайтирилди. NASA мутахассисларининг фикрича, «Phoenix» тез орада ишдан чиқиши мумкин, аммо бу қачон содир бўлишини ҳеч ким аниқ билмайди. Ҳозирча, қурилма фазода тадқиқотларни давом эттиряпти.

## Донолар бисотидан

**Душман алдовига учма, маддоҳ хушомадини чин дема. Душманнинг ғарази ёмон ниятига етмоқдир, мақтовчининг мақсади хорлик билан сендан инъом олмоқдир. Агар уларга илтифот қилмасанг ва қабул қилишни лозим билмасанг, бири ўз мақсадининг ижросидан тўхтайди, тадбири мужмал бўлади; иккинчисининг мақтови ҳажвга айланади.**

*Алишер НАВОИЙ*

**Нафрат фаол норозилик туйғуси, ҳасад эса, аксинча, суст норозилик ҳиссидир. Шу боис ҳасаднинг қисқа фурсатда нафратга айланишидан ҳайратланмаслик керак**

*ГЁТЕ*

**Гуноҳкорга насиҳат қилишга ундовчи куч табиатимиздаги эзгулик эмас, манманликдир. Биз айбдорни тўғри йўлга солиш учун эмас, балки ўзимизнинг гуноҳсизлигимизга бошқаларни ишонтириш учун ваъзхонлик қиламиз.**

*Франсуа де ЛАРОШФУКО*

Топонимлар тарихини биласизми?

## ТЕПАЛИККА ЁНДОШ ҚИШЛОҚ

***Боғистон қишлоғи — Бўстонлиқ тумани ҳудудидаги баланд тоғ чўққилари ҳамда Писком дарёси этагида жойлашган сўлим маскан. Ушбу гўшанинг «Боғистон» деб аталиш тарихи анча узоққа бориб тақалади.***

Писком дарёси билан Боғистон сойининг туташган жойида Кадободтепа деб номланган дўнглик бор. Бу тепалик устида қадимда қалъа мавжуд бўлганлиги аниқланган. Хусусан, қадимшунослар тепаликдан пахса девор қолдиқлари, турли рўзғор буюмлари, шағал ва металл чиқиндиларини топишган. Кадободтепа қалъаси бир неча асрлар мобайнида барқарор бўлиб турган. XIV-XV асрларда, яъни Амир Темур даврига келиб, Кадободтепада ҳаёт қайнайди. Натижада, орадан йиллар ўтиб, тепалик биқинида ямяшил боғлар билан бурканган қишлоқ вужудга келади. Шундан сўнг қишлоқ «Боғистон» деб атала бошланган.

**Акбар АЛИЕВ тайёрлади.**

Ҳикматли ҳикоятлар

## ОЛЧОҚЛИК ОРТИДАН ХОРЛИК КЕЛГАЙ

***Бир сичқон бир баққол дўконини макон тутган, бу ердаги қуруқ ва ҳўл мевалардан хоҳлаганича татиб юрар эди.***

Баққолнинг бундан хабари бўлса-да, бепарво қарар, сичқонга ҳеч чора кўрмас эди. Аммо:

**Олчоқ разил қорин тўйган чоқ,**
**Олчоқлиғи бўлур дадилроқ —**

деганларидек, сичқоннинг ҳам ҳирси ошиб, баққол ҳамёнини тешиб, тагига етди ва ундаги олтин-кумуш ҳарна бўлса барини инига ташиб кетди. Баққолга пул керак бўлиб, ҳамёнга қўл урди ва уни гадой тўрвасидек бўш, очлар меъдасидек кўрди. Билдиким, бу ўша сичқоннинг иши. Баққол мушукдек писиб ётди ва сичқон чиқиши биланоқ унга ўзини отди. Ушлаб олиб, оёғига бир узун ип боғлади. Қўйиб юборган эди, сичқон инига олиб борадиган бир тешикка кириб кетди. Баққол ипни ўлчаб кўриб, сичқон инининг қанча узунлигини билиб олди. Тешикни ковлаб қараса, сичқон уяси саррофнинг дўконидек олтин-кумушга, динор ва дирҳамларга лиқ тўла. Пулларни олди ва сичқонни ташқарига чиқариб, мушук оғзига солди. У қилганига яраша кўрди ва нонкўрлиги учун бўлганича бўлди.

***Ҳирсу пастлик келтирар***
***бошларга ташвиш доимо,***
***Ким қаноат аҳлидур ҳуррам***
***дилу ҳуррам ҳаёт.***
***Билмагай бош оғриғин,***
***роҳатдадир қонеъ киши,***
***Кимки ҳирси бўлди ортиқ***
***топмагай боши нажот.***

## ҚАНОАТЛИ ТАЪМАГИРГА ЎРТОҚ БЎЛОЛМАС!

Итдан сўрадилар:

— Нима учун сен бор уйга гадо қадами етмайди, сен ётган остонани тиламчи ҳатлаб ўтмайди?

— Мен ҳирс ва таъмадан узоқман, — деди ит. — Таъмасизлик ва қаноатда машҳурман. Дастурхондан бир бурда нонга қаноат қиламан, қозондан бир ғажилган устухонга хурсанд бўламан. Аммо тиланчи ҳирс ва таъмада шуҳрат қозонган. У ҳамма вақт очман, деб қўл чўзади. Халтасида бир ҳафталик нон-у, ўзи очман деб нолон. Орқасида бир ҳафталик овқат, қўлида гадо ҳассаси. Қаноат ҳамма вақт ҳирсу таъмадан узоқ, қаноатли ҳам таъмагир билан бўлолмас ўртоқ.

***Кимнинг қалб дилига кирди қаноат,***
***Ҳирс билан таъмадан қутулди бори.***
***Қаноат гилами тўшалган ерда,***
***Синди очкўзлигу таъма бозори.***

**Абдурахмон ЖОМИЙнинг "Баҳористон" асаридан олинди.**
*"Янги аср авлоди" нашриёти, 2007 йил*

Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2004 йил 27 декабрда Шарипов Рустам Хасанович номига берилган 376 ау-рақамли мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери йўқолгани сабабли бекор ҳисобланади.

ООО «AREV GROUP-KAPITAL» (ИНН 206739454) рас. по адресу: Хамзинский р-н, ул. Авиахим, 45 зарегистрированное инспекцией по регис. субъектов предпринимательства Хамзинского р-на от 01.08.2006 г. № 001096-07 ликвидируется.
Претензии принимаются в теч. 1-месяца по тел: 340-23-77.

Утерянный кадастр на землю, выданный на имя ООО «TUMOR-OSKAR» Юнусабадского р-на г.Ташкента (ИНН 205362467) реестр. № 2331876847 по адресу: Юнусабадский район, массив Ц-6 считать недействительным.

Утерянный паспорт импортной сделки № 14926942/00015 от 22.05.2008 г. выданный УзПСБ (Учтепинский филиал) ООО «REAL INVEST PROJEKT» считать недействительным.

Утерянный Гос. ордер 228 АУ за № 002177 на право собственности, принадлежащий ООО «Автомаш» считать недействительным.

ООО «Quddus-AA» зарегис.В М.Улугбекском р-не распол. по адресу: г.Ташкент ул.Неъмат 30. (ИНН 204566767) сообщает об изменении Уставного фонда с 46780 дол. США на 29090 дол. США. Согласно протокола учредителей №4 от 03.10.2008 г.

Утерянный пакет документов на ООО «Шерзод КТЕ» круглая печать, угловой штамп, устав, гувоҳнома, годовой баланс считать недействительным.

ЧП «GLOBAL INFORM» Чиланзарского района г.Ташкента (ИНН 300572222) Чиланзар-И-24/5/1, сообщает о своей реорганизации в форме преобразования в ООО «GLOBAL INFORM». Тел: 254-23-28.

Утерянный план БТИ выданный на имя Карболина Геннадия Николаевича на квартиру расположенную по адресу: г.Ташкент, Яккасарайский район, ул.Юнус Ражабий, дом 66/4, кв 50 считать недействительным.

Тошкент шаҳри Ҳамза туманидаги «Art Media Servis» МЧЖнинг устав фонди 30752010 сўмдан 24056230 сўмга камайтирилади. Тел: 126-99-69.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги «STOLICHNIY-STILL» МЧЖнинг устав жамғармаси 80849780 сўмдан 40424890 сўмга камайтирилади. Тел: 126-99-69

Mahalla

**Таҳрир ҳайъати:**
**Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам КОСИМОВ, Шухрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ,** (бош муҳаррир ўринбосари) **Мавлуда ҚОСИМОВА,** (масъул котиб) **Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.**

Тахририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Тахририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: **Бектош Исмоилов**
Мусаҳҳиҳ: **Ҳамза Абдуллаев**
Саҳифаловчи: **Фаррух Расулов**

Газета тахририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.**
**Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.**

**Телефонлар:**
Қабулхона — **236-53-93**
Тел/Факс: — **233-44-25**
Масъул котиб: **236-53-75**
Котибият — **236-55-69**
Хатлар бўлими: **236-57-62**

2008 йил 8 октябрь
41 (643)

11769 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-920 Топширилди — 22.30
2 3 4 5 6